



THE RIGHTS OF PERSONS WITH DISABILITIES AND THE NATIONAL-LEGAL BASIS OF THEIR PROTECTION

Sardor Shavkatovich Djalilov

PhD student of the Institute of State and Law of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

e-mail: bozorovsardor9807@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: social assistance, commission, state program, "Sahavat" and "Muruvat" houses, needy category, register, "Opportunities Center", "pro bono".

Received: 08.08.25

Accepted: 09.08.25

Published: 10.08.25

Abstract: This article describes the documents adopted to promote, ensure, and protect the rights of persons with disabilities, their content and significance, as well as which aspects of the rights of this category of persons they regulate or what privileges they provide. In addition, the foundations for protecting the rights of persons with disabilities, as set forth in our national legislation and the new edition of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, are presented.

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МИЛЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Сардор Шавкатович Джалилов

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

Давлат ва ҳуқуқ институти докторантни

e-mail: bozorovsardor9807@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ижтимоий мадад, комиссия, давлат дастури, "Саҳоват" ва "Муруват" уйлари, эҳтиёжманд тоифа, реестр, "Имкониятлар маркази", "pro bono".

Аннотация: Ушбу мақолада ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини рағбатлантириш, таъминлаш ва ҳимоя қилиш борасида қабул қилинган ҳужжатлар ва уларнинг мазмун-моҳияти хамда аҳамияти, шунингдек, ушбу тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқларининг қайси жиҳатларини тартибга солиб туришлиги ёки қандай имтиёзлар бериши кабилар ёритиб берилган. Бундан ташқари, миллий қонунчилигимиз ва бош қомусимиз

Ўзбекистон Республикаси Янги таҳрирдаги Конституциясида кўрсатилган ногиронлиги бўлган шахсларнинг хукуларини ҳимоя қилишнинг асослари келтирилган.

ПРАВА ЛИЦ С ИНВАЛИДНОСТЬЮ И НАЦИОНАЛЬНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ИХ ЗАЩИТЫ

Сардор Шавкатович Джалилов
докторант Института государства и права
Академии наук Республики Узбекистан
e-mail: bozorovsardor9807@gmail.com
Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: социальная помощь, комиссия, государственная программа, дома «Сахават» и «Муруват», категория нуждающихся, реестр, «Центр возможностей», «pro bono».

Аннотация: В данной статье описаны документы, принятые в целях продвижения, обеспечения и защиты прав инвалидов, их содержание и значение, а также какие аспекты прав этой категории лиц регулируются или какие льготы предоставляются. Кроме того, представлены принципы защиты прав лиц с ограниченными возможностями, закрепленные в нашем национальном законодательстве и новой редакции Конституции Республики Узбекистан.

Кириш

Республикада мустақиллик йиллари мобайнида аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш борасида кенг миқёсли ишлар амалга оширилди. Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуш даражаси ва сифатини оширишга, пенсия таъминоти ва ижтимоий мадад тизимини такомиллаштиришга, тизимли соғломлаштиришни ташкил этиш ҳамда касалликларни даволашнинг замонавий усулларидан баҳраманд бўлишни кенгайтиришга йўналтирилган бир қатор давлат дастурлари қабул қилинди.

Асосий қисм

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг хукукларини ҳимоя қилишда энг асосий ўринлардан бирини миллий хукукий нормалар эгаллади. Ушбу тоифадига шахсларнинг хукукларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган бир қатор норматив-хукукий ҳужжатлар Ўзбекистонда лозим даражада қабул қилиниб келмоқда. Шулар жумласидан, 1991 йил 18 ноябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 422-ХII-сонли

Қонуни (хужжат янги таҳрирда қабул қилинган) бўлиб, унда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳукуқлари ижтимоий жихатдан ҳимоя қилинишига доир нормалар жой олди. Унинг 1-моддасида миллий қонунчилик нуқтаи назаридан илк бор ногирон тушунчасининг таърифи берилди. Шунингдек, ушбу моддага кўра шахсни ногирон деб топиш тиббий-мехнат эксперт комиссияси (ТМЭК) томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиши белгилаб қўйилди [1].

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси (Президенти ҳузуридаги) Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари қабул қилиниб, уларга кўра ногиронликни белгилаш маълумотлари рўйхати, болалиқдан ногиронларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби, пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби, Янги туғилган чақалоқлар ҳамда ҳомиладор аёлларда туғма ва бошқа патологияни барвақт аниқлаш бўйича «Она ва бола скринингги» давлат дастури, Ўзбекистонда уларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури, Ногиронни реабилитация қилишининг якка тартибдаги дастури тўғрисидаги Низом кабилар тасдиқланди ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар орасидан кадрлар тайёрлашда ва улар учун ишчи ўринлари ташкил этишда фойдаланиш устидан назоратни таъминланиши белгилаб қўйилиши билан бирга бир қанча қўшимча имтиёзлар белгилаб қўйилди. Ушбу қарорлар қуйидагилардан иборат:

– 1992 йил 17 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари” хақидаги 328-сонли қарори (хужжат кучини йўқотган 01.09.2024). [2]

– 1994 йил 24 июндаги “Болалиқдан ногиронларга, қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги 319-сонли қарори (хужжат кучини йўқотган 07.04.2011). [3]

– 1995 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг ногиронларни реабилитация қилиш бўйича 1996-2000 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида” 433-сонли қарори (хужжат кучини йўқотган 22.02.2021).

– 1998 йил 1 апрелдаги “Болалиқдан ногиронлиги бўлган болалар туғилишининг олдини олиш учун янги туғилган чақалоқлар ҳамда ҳомиладор аёлларда туғма ва бошқа патологияни барвақт аниқлаш бўйича «она ва бола скринингги» давлат тизимини ташкил этиш тўғрисида” 140-сонли қарори (хужжат кучини йўқотган 22.07.2022). [4]

– 1999 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги 520-сонли қарори (хужжат кучини йўқотган 22.02.2021). [5]

–2002 йил 29 мартағи Үзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ёрдам кўрсатишни кучайтириш тўғрисида”ги 106-сонли қарори (хужжат кучини йўқотган 18.12.2023). [6]

–2006 йил 17 майдаги Үзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказини ташкил этиш тўғрисида”ги 89-сонли қарори [7]

–2009 йил 18 мартағи Үзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартиbdаги дастури тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 75-сонли қарори (хужжат кучини йўқотган 23.12.2010). [8]

Шунингдек, 2006 йил 7 сентябрда Үзбекистон Республикаси Президентининг “2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” ПҚ-459-сонли Қарори (хужжат кучини йўқотган 28.09.2020) қабул қилиниб, унга асосан ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни даволаш-профилактика хизмати билан қамраб олишни кенгайтириш, кўрсатилаётган ёрдам сифатини, шунингдек уй-жой – майший шароитларини яхшилаш, «Саҳоват» ва «Мурувват» уйлари, санаторийларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий хизмат кўрсатишнинг янги шакллари, усул ва технологияларини татбиқ этиш белгилаб қўйилди.

2008 йил 11 июлда Үзбекистон Республикасининг ““Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Үзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ЎРҚ-162-сонли Қонуни қабул қилиниб, янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун [9] қабул қилинди.

2011 йил 30 майда Үзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-1542-сонли Қарори (хужжат кучини йўқотган 28.09.2020) [10] қабул қилинди ва унга қўра ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг меъёрий-хуқуқий базасини ва ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда ижтимоий хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш каби қўшимча чора-тадбирлар белгилаб қўйилди.

2016 йил 26 декабрда Үзбекистон Республикасининг “Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида” ЎРҚ-415-сон Қонуни [11] қабул қилиниб, хизматлар ва уларнинг принциплари,

давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, эҳтиёжманд тоифалар, органлар ва ташкилотлар ҳамда уларнинг ваколатлари, хизмат кўрсатиш шакллари ва турлари, мониторинг, баҳолаш, давлат ва жамоатчилик назорати ва бошқалар белгилаб қўйилди.

2016 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-2705-сонли қарори [12] қабул қилинди, унга кўра ногиронлиги бўлган шахсларни аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни қучайтириш, уларга кўрсатиладиган уй-жой-маиший ҳамда бошқа яшаш шароитларини яхшилашга йўналтирилган моддий ёрдамни кенгайтириш, уларни даволаш, тизимили соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактика тадбирларини кенгайтириш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш назарда тутилган эди.

2017 йил 1 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ф-5006-сонли Фармойиши [13] қабул қилинди. Фармойишдан мақсад ногиронлиги бўлган шахмларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш, тиббий-ижтимоий ёрдам бериш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, таълим олиш ва ишга жойлашишда ҳар томонлама кўмаклашиш эди.

2017 йил 1 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5270-сонли Фармони [14] қабул қилинди ва Ўзбекистон Республикасининг «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуqlари тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш, ва БМТнинг Ногиронлар ҳуқуqlари тўғрисидаги Конвенциясини ратификация қилишга тайёргарлик бўйича амалий чоралар кўриш ҳақидаги таклифлар қабул қилинди.

Фармон асосида ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштирилмаган шаҳар йўловчи транспорт воситаларини сотиб олиш тақиқланди. Бундан ташқари, тегишли идораларга ногиронлиги бўлган шахсларни енгил автомобилларни ҳайдашга ўргатиш, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларни махсус бошқарув воситалари (кўлда дебрияж, ёқилғи таъминоти ва бошқалар) билан бошқариш учун мослаштирилган автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш тавсия этилди.

2018/2019 ўқув йилидан бошлабabituriyentlarни олий таълим муассасаларига қабул қилишнинг янги тартиби амал қилиб бошлади. Унга мувофиқ Олий таълим муассасаларигаabituriyentlarни қабул қилишнинг умумий сонига нисбатан ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча икки фоизли давлат гранти квоталарининг олий таълим муассасалари кесимидағи тақсимоти тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар

томонидан шакллантирилиб, ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш тўғрисидаги тегишли қарори қабул қилинганидан сўнг икки ҳафта муддатда Давлат олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссиясига тақдим этиладиган бўлди.

2018 йил 1 июндан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларнинг ягона электрон реестри жорий этилди, унда улар тўғрисидаги комплекс маълумотлар, белгиланган миқдорлар ва нақд тўловлар турлари, реабилитатсия техник воситалари, протез-ортопедик маҳсулотлар ва дори воситалари, кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва имтиёзлар кўрсатилган. Бунда янги форматдаги реестр, шунингдек, ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати тўғрисида тезкор маълумот олиш, давлат органлари ўртасида маълумот алмашиш, бюджет маблағларининг нотўғри сарфланиши ва сунистъемол қилиш ҳолатларининг олдини олиш имконини беради.

2018 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузурида ногиронлиги бўлган шахсларни кўллаб-куватлаш жамғармаси ташкил этилди.

2018 йил 28 марта Ўзбекистон Республкаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашиш бўйича 2018-2019 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 247-сонли қарори [15] қубул қилинди ва унга кўра 2018-2019 йилларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашиш бўйича чора-тадбирлар дастури ва худудий ишчи гурух тасдиқланди ҳамда унинг асосий вазифалари белгиланди.

Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ишлари ҳолатини қонунчилик даражасида яхшилаш мақсадида “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг хуқуқлари тўғрисида”ги қонун [16] ва “Ногиронлар хуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни асосида Конвенция ратификация қилинди [17]. Шу асосда ногиронлиги бўлган шахсларнинг сўровларига жавоблар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги фармони ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларда акс эттирилди.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг хуқуқлари тўғрисидаги қонун қабул қилиниши Ўзбекистонда ушбу тоифадаги шахсларнинг хуқуқларига нисбатан ижтимоий ёндашувни очиб берди. Ушбу қонунда Ногиронлар хуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга мос нормалар ўрин олиш билан бир қаторда, уларнинг хуқуқларини яна чукурлаштирувчи нормалар белгилаб қўйилди. Мазкур қонунда “мулоқот, ногиронлик белгисига кўра камситиш, ногиронлиги бўлган болалар (бала), ногиронлиги бўлган шахс, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат

бирлашмалари, оқилона мослаштириш, протез-ортопедия мосламалари, сурдотаржима, сурдотехника воситалари, тиббий-ижтимоий экспертиза, тифлотехника воситалари, шахс ҳаёт фаолиятининг чекланганлиги” каби тушунчаларга таърифлар берилди. Шунингдек уларнинг ҳукуқларини таъминлаш асосий принциплари сифатида ногиронлиги бўлган шахсларнинг қадр-қимматини, уларнинг мустақиллигини, танлаш эркинлигини ҳурмат қилиш; ногиронлик белгисига кўра камситилишга йўл қўймаслик; инсоннинг ҳукуқ ва эркинликларини амалга оширишдаги имкониятлар tengлиги; ногиронлиги бўлган болаларнинг ривожланаётган қобилиятини ва ўз индивидуаллигини сақлаб қолиш ҳукуқини ҳурмат қилиш; объектлар ва хизматларнинг қулайлиги; ногиронлиги бўлган шахсларни жамият ва давлатнинг ҳаётига жалб этиш кабилан белгилаб қўйилди. Бундан ташқари ушбу қонунда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳукуқларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ҳукуматнинг, ижро этувчи ҳокимиятнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мазкур соҳадаги ваколатлари, идоралараро кенгаш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки, жамоат бирлашмалари баён этиб ўтилган.

Шу билан бирга ушбу қонунда уларнинг алоҳида ҳукуқларига тўхталиб ўтилган бўлиб, улар қуидагилардан иборат:

- Ногиронлиги бўлган шахсларнинг tengлигини таъминлаш ва камситилишига йўл қўймаслик;
- Шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳукуқи;
- Оиласа ва оила мухитига бўлган ҳукуқ;
- Фуқаролик ва эркин ҳаракатланиш ҳукуқи;
- Уй-жойга бўлган ҳукуқ;
- Ахборотдан фойдаланиш;
- Маданий ҳаётда иштирок этишга, дам олишга ва спорт билан шуғулланишга бўлган ҳукуқ;
- Мурожаат қилиш ҳукуқи;
- Одил судловдан фойдаланиш ҳукуқи;
- Ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш;
- Таълим олиш ҳукуқи;
- Мехнат ҳукуқи ва бошқалар.

Бундан ташқари қонунда фуқарони ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этиш, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация ва абилитация қилиш, тиббий-ижтимоий экспертиза, соғлиқни сақлаш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни касбга тайёрлаш,

қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, меҳнат қилиши ва бандлиги ва мазкур қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик кабилар белигилаб кўйилган.

2021 йилда Ўзбекистон Республикаси тиббий-ижтимоий экспертиза инспексияси ва ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идораларо кенгаш ташкил этилди.

2021 йил 7 июнда Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлар хукуклари тўғрисидаги Конвенцияни (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилиш ҳақида” ЎРҚ-695-сонли Конуни [18] қабул қилиниши орқали Конвенция ратификация қилинди.

2021 йил 27 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати фаолияти ҳамда болаларга ногиронликни белгилаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-22-сонли қарори [19] қабул қилинди ва ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида ҳисобга олиш ва кўрикдан ўтказишнинг янги «Тиббий-ижтимоий экспертиза» электрон ахборот тизими жорий этилиши белгиланди.

2021 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаолигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-57-сонли қарори [20] қабул қилинди ва БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан ҳамоҳанг равишда ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, уларни меҳнат фаолиятига кенг жалб қилиш орқали хаёт сифати ва даражасини ошириш ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун янги иш ўринларини яратиш мақсадида 2022 йил 1 январдан бошлаб Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга субсидия берилиши, болалиқдан ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун даромад солиги бўйича белгиланган имтиёз оширилиши, иш берувчиларга улар томонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун тўланган ижтимоий солиқ суммаси Давлат бюджетидан тўлиқ қайтариб берилиши белгиланди. Шунингдек, Идораларо кенгашнинг зиммасига ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашиш бўйича бир қанча қўшимча вазифалар юклатилди.

2022 йилдан бошлаб, республикада ногиронлиги мавжуд 500 нафаргача бўлган ёшларга касбга ўқитиш ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун ҳар йили субсидиялар ажратиш тизими жорий этилди.

Кўзи ожиз ва кўришда нуқсони бўлган шахсларнинг таълим олишини сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқиш ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун китоблар, журналлар ва бошқа босма материаллар (матн,nota ёзуви, иллюстрацион материаллар, Брайль

ёзувидаги китоблар ва аудиокитоблар) базасини кенгайтириш борасида чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланди.

2022 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун қулай шартшароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти 486-сонли қарори [21] қабул қилинди ва Ногиронлиги бўлган шахслар учун тавсия этилган ишчи касблар ва хизмат лавозимларининг намунавий рўйхати (классификатори), Ногиронлиги бўлган шахсларнинг фаолият юритиши учун иш ўринлари ва касбларни мослаштириш бўйича тавсиялар, Ногиронлиги бўлган шахсларнинг фаолият юритиши мумкин бўлган касблар ва лавозимлар рўйхати ҳамда меҳнат шароитлари бўйича тавсиялар тасдиқланди.

2022 йил 12 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларига тегишли ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-390-сонли қарори [22] қабул қилинди, тажриба тариқасида белгиланган худудларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашиш, уларни касб-хунарга ўқитиш, маданият, санъат, спортга оид қизиқишиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Имкониятлар маркази» фаолиятини ташкил этиш белгилаб қўйилди.

2023 йил 27 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-74-сонли қарори [23] қабул қилинди ва ногиронлиги бўлган муҳтоҷ шахсларни замонавий протез-ортопедия мосламалари билан таъминлаш ҳамда реабилитация қилиш муассасалари ускуналарини модернизация қилиш, давлат идоралари ва ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларидан навбатсиз фойдаланиш бўйича имтиёзлар бериш, уларнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш ва юридик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш белгиланди. Шу билан бирга ногиронлиги бўлган шахсларнинг ихтиёрий бепул ёрдам олишларига (pro bono) кўмаклашиш учун «Юридик ёрдам» ахборот тизимида адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар фойдаланиши учун очиқ бўлган ногиронлиги бўлган шахсларнинг мурожаатлари бўлими яратилиши ҳам белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Мамлакатимиз тараққиётида мутлақо янги даврга қадам қўймоқдамиз. Чунки, янгилangan Конституциямизни қабул қилиш билан биз Учинчи Ренессанс учун ҳуқуқий пойдевор яратдик. Бугун халқимиз интилаётган ана шу буюк мақсадни амалга оширишга муносиб хисса қўшаман, деган ҳар бир юртдошимиз, аввало ушбу пойдеворга таяниб, харакат

қилиши лозим. Айниқса, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқаришда, ёшларимиз келажаги учун мустаҳкам замин ҳозирлашда Асосий қонунимиз уларга беқиёс имкониятлар очиб беради” [24].

Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бошқа барча шахслар билан бир қаторда тенг имкониятларга эга бўлишини, Конститутсиямизда белгиланган фуқаролик, шахсий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа хуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши умумэътироф этилган халқаро нормалар ва тамойилларга, шунингдек, мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларга мувофиқ таъминланиши ногиронлиги бўлган шахсларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг хукуқларини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилиш борасида Янги таҳрирдаги Конституцияга илк бор киритилган алоҳида моддалар, шунингдек унда мустаҳкамлаб қўйилган ҳамда уларнинг хукуқларига бағишлиланган нормалар таҳлили шуни кўрсатадики, ногиронлиги бўлган шахсларнинг хукуқларига нисбатан мазкур Конституция ижтимоий ёндашувни акс эттирди. Буларни, уларнинг барча хукуқларини таъминлаш учун шарт-шароит яратиш ҳамда амалга ошириш имкониятини таъминлаш мажбуриятларини олганлигидан ҳам кўришимиз мумкин [25]. Бевосида унинг 50, 57, 70 ва 115-моддалари ногиронлиги бўлган шахсларнинг хукуқлари билан боғлиқ равишда қабул қилинганлиги ушбу тоифадаги шахсларнинг хукуклари асосий қонун асосида ҳимоя қилинганлигининг бир далили бўлди.

2023 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзгалар парваришига муҳтоҷ кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-410-сонли қарори [26] қабул қилинди ва ўзгалар парваришига муҳтоҷ бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни аниқлаш тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва рақамлаштириш тизимини жорий этиш назарда тутилди. Шу билан бирга “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига кўплаб вазифалар юкланди ва «Саховат» кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати Ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази сифатида қайта номланиши белгилаб қўйилди.

2024 йил 16 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронликни белгилаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-257-сонли қарори [27] қабул қилиниб, ногиронликни белгилашнинг самарали механизмларини жорий этиш, тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати тизимини такомиллаштириш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият хаётида иштирок

этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида ногиронлигни белгилашнинг янгича тартиби белгиланиб, мазкур соҳа бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

2024 йил 18 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларга қулай ва тўсиқларсиз муҳит яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-266-сонли қарори [28] қабул қилинди ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг хавфсиз ва тўсиқларсиз харакатланиши учун қулай муҳит яратиш ва мазкур соҳага янгича ёндашувларни жорий этиш мақсадида курилиш-таъмирлаш, жиҳозлаш, қўчаларни ва транспортларни ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштириш, интерактив харита ахборот тизимини ишга тушириш, махсус жиҳозланган автобуслар қўламини ошириш ва бошқалар белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, Лицензияларни олишда ушбу тоифадаги шахсларга тўсиқларсиз муҳит яратиш талаби киритилаётган фаолият турлари, уларнинг қулай ва тўсиқларсиз харакатланишлари учун шаҳарсозлик норма ва қоидалари талаблари асосида мослаштириладиган намунавий қўчалар рўйхати ва қулай ва тўсиқларсиз муҳит яратиш бўйича чора-тадбирлар дастури кабилар тасдиқланди.

Шу билан бирга ногиронлиги бўлган шахсларга бошқа фуқаролар билан тенг равищда инсон ҳуқуqlари ва эркинликларини амалга ошириш имкониятини берувчи қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш зарурияти юзага келганлиги, Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ногиронлиги бўлган шахсларнинг одил судловдан фойдаланишга, сайлаш ва сайланишга, референдумда иштирок этишга, шунингдек таълим олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш учун қўшимча шарт-шароитлар яратилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш лозимлиги, шунингдек Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга асосан «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ногиронлиги бўлган шахслар билан мулоқот қилиш учун қулай мулоқот шаклларини, шунингдек ижтимоий инфратузилма обьектларини ногиронлиги бўлган шахсларнинг уларга монеликсиз кириши учун мослаштириш асосларини белгиловчи нормалар билан тўлдирилиши кераклиги, шу билан бирга инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро нормалар ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилишини ҳисобга олган ҳолда 2024 йил 5 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “«Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида” ЎРҚ-955-сонли Қонуни [29] қабул қилиниб, ушбу қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Энг эътиборга молик жиҳати, Қонун “301-модда. Одил

судловдан фойдаланиш ҳуқуқи” ва “302-модда. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш” каби моддалар билан тўлдирилди.

Хулоса

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, юқорида келтириб ўтилган барча ҳуқуқий хужжатлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳукуқларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ва уларни рағбатлантириш билан боғлик нормаларни ўзида мужассам этганлиги билан эътиборга лойикдир. Улар ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳукуқларини халқаро ҳуқуқий даражада ҳимоя қилиш учун етарли бўлади десак муболага бўлмайди, фақатгина баъзи бир истиснолар бўлиши мумкин, аммо улар жамиятнинг бевосита ривожланиб бориши билан боғлик саналади, яъни янги ижтимоий муносабатлар янги норматив-ҳуқуқий асосларни талаб этиши мумкин. Шулардан келиб чиқиб, Ўзекистонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳукуқлари бугунги кунда давлат сиёсатининг бир йўналишига айланиб улгирганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз, бу эса ушбу тоифадаги шахсларнинг мамлакатимизда ўз ҳукуқларидан тўлақонли равишда, ҳеч қандай тўсиқлар ва чекловларсиз фойдаланиши учун бир замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 1991 йил 18 ноябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 422-XII-сонли Конуни // <https://www.lex.uz/docs/140824>
2. 1992 йил 17 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари” хақидаги 328-сонли қарори // <https://www.lex.uz/docs/478843>
3. 1994 йил 24 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Болаликдан ногиронларга, қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги 319-сонли қарори // <https://www.lex.uz/docs/838148>
4. 1998 йил 1 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Болаликдан ногиронлиги бўлган болалар туғилишининг олдини олиш учун янги туғилган чақалоқлар ҳамда ҳомиладор аёлларда туғма ва бошқа патологияни барвақт аниқлаш бўйича «она ва бола скринингти» давлат тизимини ташкил этиш тўғрисида” 140-сонли қарори // <https://www.lex.uz/docs/804095>
5. 1999 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги 520-сонли қарори // <https://www.lex.uz/docs/1592217>

6. 2002 йил 29 марта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ёрдам кўрсатишни кучайтириш тўғрисида”ги 106-сонли қарори // <https://www.lex.uz/docs/260671>

7. 2006 йил 17 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказини ташкил этиш тўғрисида”ги 89-сонли қарори // <https://www.lex.uz/docs/1004756>

8. 2009 йил 18 марта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 75-сонли қарори // <https://www.lex.uz/docs/1459562>

9. Янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун // <https://www.lex.uz/docs/1372495>

10. 2011 йил 30 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-1542-сонли Қарори // <https://www.lex.uz/docs/1812015>

11. 2016 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида” ЎРҚ-415-сон Қонуни // <https://www.lex.uz/docs/3083192>

12. 2016 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-2705-сонли қарори // <https://www.lex.uz/docs/3090331>

13. 2017 йил 1 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ф-5006-сонли Фармойиши // <https://www.lex.uz/docs/3290912>

14. 2017 йил 1 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5270-сонли Фармони // <https://www.lex.uz/docs/3436192>

15. 2018 йил 28 марта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашиш бўйича 2018-2019 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 247-сонли қарори // <https://www.lex.uz/docs/4654531>

16. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг хукуқлари тўғрисидаги Қонун // <https://www.lex.uz/docs/5049511>

17. O‘zbekiston Respublikasining “Nogironlar huquqlari tO‘g‘risidagi konvensiyani (Nyu-York, 2006-yil 13-dekabr) ratifikatsiya qilish haqida”gi qonuni (07.06.2021-yil qabul qilingan, 08.06.2021-yildan kuchga kirgan).

18. 2021 йил 7 июнда Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлар хукуқлари тўғрисидаги Конвенцияни (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилиш хақида” ЎРҚ-695-сонли Қонуни // <https://www.lex.uz/docs/5447413>

19. 2021 йил 27 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати фаолияти ҳамда болаларга ногиронликни белгилаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-22-сонли қарори // <https://www.lex.uz/docs/5745300>

20. 2021 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-57-сонли қарори // <https://www.lex.uz/docs/5789981>

21. 2022 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун қулай шартшароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 486-сонли қарори // <https://www.lex.uz/docs/6179643>

22. 2022 йил 12 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларига тегишли ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-390-сонли қарори // <https://www.lex.uz/docs/6233345>

23. 2023 йил 27 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-кувватлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-74-сонли қарори // <https://www.lex.uz/docs/6391378>

24. “Янгиланган конституцияни ҳаётга жорий этиш бўйича чора-тадбирлар муокама қилинди” Янги Ўзбекистон газетаси, № 89 (878), 2023 йил 9 май, сешанба. <https://yuz.uz/file/newspaper/c77ddd5eed06ea262a31f605029931>

25. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 01.05.2023 й. 50, 57, 70, 115-моддалари. // <https://lex.uz/docs/6445145>

26. 2023 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзгалар парваришига муҳтоҷ кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат ва

ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-410-сонли қарори // <https://www.lex.uz/docs/6725077>

27. 2024 йил 16 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронликни белгилаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-257-сонли қарори // <https://www.lex.uz/docs/7021644>

28. 2024 йил 18 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларга қулай ва тўсиқларсиз муҳит яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-266-сонли қарори // <https://www.lex.uz/docs/7027440>

29. 2024 йил 5 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “«Ногиронлиги бўлган шахсларнинг хуқуqlари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш хақида” ЎРҚ-955-сонли Конуни // <https://www.lex.uz/docs/7093722>